

Бақара сураси, 171-оят

08:25 / 09.01.2018 3671

Куфр келтирганлар худди қичқириқ ва сасдан бошқа нарсани эшитмайдиганларга бақираётган кишига ўхшайди. Кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл юритмаслар. Бақара 171.

Ушбу оятдаги ўхшатиш ҳақида тафсирчилар ва араб тили олимлари узок баҳслар қилганлар, ундан қоидалар ишлаб чиқарганлар. Чунки бу оятда нозик ишоралар кўп бўлиб, уни таржимада айнан акс эттириш амри маҳолдир. Кўпчиликнинг фикри шундайки, Аллоҳ таоло бу ояти каримада кофирларни чорва ҳайвонларига, пайғамбарларни уларни ҳайдаб юрувчи чўпонга ўхшатади.

Чўпон чорваларни хавф-хатардан сақлаш, уларни фойдали ерларга бошлаш учун овоз чиқариб чақиради, нидо қилади, аммо чорвалар овозни эшитади-ю, саснинг маъносини тушунмайди.

Худди шунга ўхшаб, кофирлар ҳам пайғамбарларнинг чақирғини, нидосини эшитадилар, лекин уни англаб етмайдилар, унга амал қилмайдилар. Овозлари чиқса ҳам, улар бу масалада соқовдирлар; кўзлари очиқ бўлса ҳам, ҳақиқат ўлчовида кўрдирлар; қулоқлари эшитса ҳам, ҳақиқатда кардирлар. Чунки уларнинг ақллари йўқ.